

## ХАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ

**Ражабов Лазиз Чориевич**

*Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги*

*Академияси хузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти магистранти*

**Аннотация:** Уибу мақолада Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасаларида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари ва қоидаларини ўқитишида замонавий педагогик технологиялар усулларни қўллаш можияти, тамоиллари ҳамда ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги илмий таклиф ва тавсиялар ёритилган.

**Калит сўзлар:** таълим тизими, таълим ислоҳатлари, ҳаёт фаолияти, хавфсизлик, педагогик технологиялар, ўқитиши усуллари.

**Кириш:** Мамлакатимизда сўнги йилларда, хусусан янги Ўзбекистон ренессанси даврида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳатлар доирасида аҳолини барча қатламларини жумладан, республикамиз мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабаларини ҳаётий фаолият ҳавфсизлиги соҳасида тайёрлаш, ўқитиши ҳолатини яхшилаш, уларнинг ҳавфсиз турмиш даражасини юксалтиришга, шарт-шароитларини техника хавфсизлиги ҳамда санитария ва меҳнат муҳофазаси талабларини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим жараёнида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги Қонун” қабул қилиниши билан узлиksиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди. [7]. Бугунги кун таълим тизими ижобий ўзгаришга юз тутиб, таълим соҳаси тубдан такомиллаштирилмоқда. Таълим барча соҳаларида энг замонавий ўқитиши воситаларидан фойдаланилмоқда. Таълим муассасалари замонавий ахборот технологиялари билан таъминланмоқда. Ижтимоий ҳаёт тарзи таълимга бўлган қизиқиши ва интилишлар фаоллашмоқда. Янги тахрирда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун таълим тизими мазмунини тубдан ўзгаририб юборди. Жумладан олий таълим ўқув режаларига замон ва ҳаёт талабларидан келиб чиқиб катта ўзгаришлар киритилди. Ёш мутахассисларга ҳар бир соҳада чукур ва кенг қамровли маълумот бериш, уларга берилган билим ишлаб чиқаришда ва жамиятда ўз аксини ва долзарблигини йўқотмайдиган бўлишига ва уларнинг билим даражалари дунё таълим стандартлари қўйган талабга жавоб беришига асосий аҳамият қаратилмоқда. Замонавий ҳаётдаги ишлаб чиқариш самарадорлигини етук кадрлариз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳар соҳада инсон омили, унинг қадр-қиммати биринчи ўринга қўйилиб иш ташкил этилган жойда ютуқлар барқарор бўлиши шубҳасиз.

Инсон туғилиши билан яшаш, эркинлик ва баҳтга интилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инсон ўзининг яшаш, дам олиш, соғлиги ҳақида қайғуриш, қулай атроф-муҳит, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитида ишлашга бўлган ҳуқуқларини ҳаёт фаолияти жараёнида амалга оширади. Унинг бу ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган.

Ҳаёт фаолият хавфсизлиги инсонни ҳар қандай муҳитдаги иштирокида унинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминловчи, хавфли ва зарарли омиллардан ҳимоя қилувчи амалиёт ва назарияни қамраб олган илмий билимлар мажмуи эканлигини инобатга олиб, Янги Ўзбекистон - инсон қадри устувор бўлган жамият ва ҳалқпарвар давлатда фуқароларни хавфсизлиги биринчи ўриндаги энг долзарб масала хисобланади. Шундай экан Ҳаёт фаолият хавфсизлиги фанини барча аҳоли қатламига ўқитиш ва ўргатиш мақсадга мувофиқ.

### **Адабиётлар таҳлили ва методология**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев такидлаганлариdek, “Мактаб таълими соҳасидаги ислоҳотлар вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, барча даражадаги ҳокимлар, илмий ташкилотлар, зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши шарт ва зарур. Шундагина қутилган натижага эришиш мумкин” ҳамда “Таълимтарбия-бу бизнинг келажагимиз, ҳаёт-мамот масаласи”. Шу боис, бу соҳадаги ислоҳотларни кечиктиришги ҳаққимиз йўқ. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйишимиз керак” деган сўзларидан келиб чиқиб, барча тоифадаги раҳбарлар, бирдай ҳаракат қилса келажакда энг ривожланган давлатлар қаторида бўламиз десак хато қилмаймиз. [1].

Илмий-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, янги технологияларнинг такомиллаштирилиши ва яратилиши жамият ва инсон манфатларига хизмат қилиш учун мўлжалланган бўлсада, янги ижодий натижалар билан бир қаторда потенциал хавф туғдириади. Хавф манбаларини ўрганиб, учта жамланган майдонни ажратиб кўрсатиш мумкин: [2]. Инсоннинг ушбу муҳитда бўлиши учун қулай шароитларни яратиш, хавфсизлик даражасини ва биринчи навбатда, инсоннинг шахсий фазилатларига боғлиқ бўлган индивидуал даражасини ошириш муҳим рўл ўйнайди. Аҳоли ўртасида кўплаб қурбонлар бўлган турли ҳарактердаги фавқулодда вазиятларни кўпайиши кундалик ҳаётда ва экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлай оладиган малакали мутахассисларни тайёрлашни тақазо этади.

Таълим жараёнида ҳаёт фаолият хавфсизлигини ўрганиш соҳасида учта даражада мавжуд: Умумий таълим, олий таълим, ҳаёт хавфсизлиги мутахассисларни тайёрлаш. Ҳар бир даражада маълум маълумотларни олишга қаратилган бўлиб, билимларни йигиши тамойили асосида қурилган. “Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” фанини ўрганишда назария ва амалиётнинг бирлиги, айниқса фавқулодда вазиятларда олинган билимларни амалда қўллаш қобилияти инсон саломатлиги ва ҳаётига боғлиқ бўлганда муҳимдир. [3].

Дунёда кескин ўзгаришлар, фавқулодда холатлар юз бериши, кутилмаганда баҳтсиз ҳодисаларга учрашлар, “Ҳаёт фаолият хавфсизлиги” фанини ўрганишда

назария ва амалиётни уйғунлаштиришга, ахолининг барча қатламларини ўқитиб ўргатишига, замонавий педагогик технологияларнинг хилма-хиллигидан фойдаланишни тақоза этади.

Замонавий педагогик технологияларнинг хилма-хиллигидан фойдаланишдан олдин, педагог олимлар В. М. Шепель, Б.Т. Лихачев, И. П. Волков, В. М. Монахов, У. Нишоналиев, В. Ю. Питюков, В. К. Дьяченко, М.В.Кларин Г. К. Селевколарнинг кўлланмалари, илмий адабиётлари ва фикрлари билан танишиш ҳамда қуидаги тушунчаларга асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. [4].

**Технология** (юон. “techne” – маҳорат, санъат, “logos” – тушунча, таълимот) – муайян (ишлаб чиқариш, ижтимоий, иқтисодий ва б.) жараёнларнинг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши.

**Таълим технологияси** (ингл. “an educational technology”) – таълим (ўқитиши) жараёнининг юксак маҳорат, санъат даражасида ташкил этилиши Таълим технологияси – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни, аввалдан лойищалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичмабосқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш ҳамда таълим жараёнини юқори даражада бошқариш. **Таълим методи** – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизими [5].

Бугунги кунда таълим технологияларини шартли равища икки турга ажратиш мумкин, улар **анъанавий ва ноанъанавий**:

**анъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб таълим-тарбия мақсадига эришишdir;

**ноанъанавий таълим технологияси** - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни марказида талаба шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмууни таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва кафолатланган натижага эришиш -га йўналтиришdir.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, талабаларнинг билиш имкониятларини ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор берилади, билиш фаолиятлари изланувчан ва ижодий ҳарактерга эга бўлади. Дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.  
**Ноанъанавий** таълим технологияси ўз навбатида учга бўлинади:

**Ҳамкорликда ўрганиш,**  
**Моделлаштириш,**

## Тадқиқот (Лойиха)

**Ҳамкорликда ўрганиш-талабаларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятини таъминловчи, маҳорат ва малакани кетма-кетлик бўйича талабанинг бевосита бошчилигида ишга солишни ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олишдир. У талабаларнинг мустақил гурухларда ишлаши эвазига таълим олишини кўзда тутадиган метод - лардан иборат. Буларга китоб билан ишлаш, ўқув сухбати, давра сухбати, ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара каби методларни киритиш мумкин.**

**Моделлаштириш-** реал хаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнларнинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишини аудиторияда яратиш ва уларда талабаларнинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига таълим олишини кўзда тутади. Унинг асосий мақсади талабаларнинг факат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Буларга ишбоп ўйинлар ва ролли ўйинлар каби методларни киритиш мумкин. [6]. Фанлараро алоқадорликни педагогик фаолият субъектларининг қуидаги йўналишларни мувофиқлаштиришни билдиради:

**Ўқув материалининг мазмунига кўра,** ҳаёт фаолияти хавфсизлиги чуқурроқ ўзлаштириш учун талабанинг бошқа фанлардан олган билимларидан фойдаланиш, ўзаро қонунлар ва назарияларни талқин қилишнинг бирлиги, турли фанлардан ўрганиладиган ўзаро боғлиқ ҳодисалар, жараёнлар, ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларни талқин қилишнинг бирлиги, турли фанлар бўйича ўрганиладиган ўзаро боғлиқ материалларни танлашни мувофиқлаштириш;

**ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги шаклланган кўнималарга кўра,** ўқувчиларни ўқув ва ўқув-ишлиб чиқариш ишларини режалаштиришга ўргатиш усусларини мувофиқлаштириш; интеллектуал, амалий кўнималарни, китоб билан ишлаш кўнималарини, ташкилотчилик қобилияtlарини шакллантиришга ёндашувлар бирлигини, ўқитиш услублари ва воситалари бўйича: турли фанларда қўлланиладиган ўқув-тарбия ишларининг мутодлари ва ўқитиш усусларини мувофиқлаштириш; ўқув қуроллари ва уларни ҳаёт фаолияти хавфсизлиги дарсларида қўллаш усусларини мужассамлаштириш;

ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожланиши усулари ва воситалари бўйича таълим жараёнини хавсизлик, инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, ҳамкорлик педагогикаси foялари ва тамойиллари асосида бошқариш; ўрганилаётган материални ҳаёт билан, амалиёт билан боғлаш, барча ўқитувчилардан талабаларга қўйиладиган педагогик талабларнинг бирлиги ва мужассамлаштириш, ўқувчиларнинг жамоавийлигини, шериклигини, ва ўзаро ёрдамини ривожлантириш; ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини сақлашда ўқитувчининг шахсий намунасига эришмоқ лозим.

Фанлар ўртасидаги боғлиқлик таълим тузилмаларидан бири бўлиб, ушбу фанни ўрганишда бошқа фанлар бўйича билимлардан фойдаланишга имкон беради. Шундагина мутахасиснинг турли фанлар бўйича олган билим, қўникма ва малакалари ўзаро боғланган ва ўзаро боғлиқ бўлиб, ягона комплексни ифодалаган ҳолда унинг сифатли тайёрланиши мумкин. Ўқув тематик режалари ва бошқа режалаштириш ҳужжатларини тайёрлашда ўқув мавзулари даражасида фанлараро алоқаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотларимиз давомидаги кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, республикасиз таълим тизимидағи муассасаларда хаёт фаолияти хавфсизлигини ўқитиш ва ўргатишни қўйидаги замонавий педагогик технологиялари самарали ва мақсадли хисобланади, хусусан:

Мактабгача таълим ташкилотларида ўтказиладиган таълим-тарбия машғулотлари таркибига “Хаётий фаолият хавфсизлиги” тушунчаларини интеграция қилинган ҳолда қўникма ҳосил қилиш (шакиллантириш) бўйича тавсиявий шакл сифатида қўйидагилар таклиф этилади:

### **Мавзу: Болалар табиатда Кутилаётган натижа ёлғиз**

#### **Болаларда ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантириш**

Болаларни ҳаётда, яъни табиатда ёлғиз қолганда уй ҳайвонлари, ҳар турдаги ҳашаротлар ва судралиб юрувчиларга тегмасликни ўргатиш. Ҳар турдаги ҳашаротлар ва судралиб юрувчиларга заарар етказмаслик хавфли вазиятга тушмаслик чоралари ҳақида тушунча ҳосил қилиш. Бунда хавф хатарларни юзага келиши, оқибатлари ва улардан сақланиш бўйича тушунчалар берилади.

#### **Ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар**

Болаларга умумий маълумот берилгандан сўнг, болалар уй ҳайвонлари ҳар турдаги ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар бир-биридан фарқлашда қийинчиликларга дуч келади, шунда уларга кўргазмали тасвирий воситалардан фойдаланиш зарур бўлади.

#### **Ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантиришдаги юзага келган муаммоларни**

Болалар онги ва тасаввурида яхши акс эттириш мақсадида, уй ҳайвонлари ҳар турдаги ҳашаротлар ва судралиб юрувчиларни сахна кўриниши асосида

**бартараф этиш түшунтирилди.**  
**йўллари**

**Таклиф, хуроса ва болада тушунчаларни шакилланиш даражаси**

Болалар тушунчага эга бўлди. Ушбу мавзу асосида видеороликлар, слайдлар, расмлар кўпроқ тайёрланса. Таёрган расмларни болаларга кўрсатиб расм чиздириш янада самарали усул бўлади.

**Мавзу: Бола уйда ёлғиз бўлганда эшикларни қулифланиб қолиши**

**Болаларда ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантириш**

Болаларни айрим ҳолатларда уйда ёлғиз бўлганда уй эшигини ичкаридан қулифланиб қолиб, узоқ вақт яъни ташқаридан ёрдам келгунича ичкарида қолиб кетиб, кўрқувга тушиб қоладилар. Уй эшигини ичкаридан ҳар хил турдаги қулфларни ўйнайман деб ичкаридан ёпиб кўйганда вахимага тушмаслик хавф туғдирадиган нарсаларга тегинмаслик ҳақида тушунча бериш

**Ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантиришдаги қийинчиликлар**

**Ҳаёт хавфсизлиги тушунчаларини шакллантиришда юзага келган муаммоларни бартараф этиш йўллари**

Уй эшигини ичкаридан очишга тахминан 25 % бола қийинчиликларга дуч келинади.

Машғулотда олинган тушунча, кўникма ва малака савол ва топшириқлар асосида ўтказилди. Боғча хоналарида саҳна кўриниши асосида тушунтирилди

**Таклиф, хуроса ва болада тушунчаларни шакилланиш даражаси**

Болалар тушунчага эга бўлди. Ушбу мавзу асосида видеороликлар, слайдлар, расмлар, кўпроқ мультфильм тайёрланса мақсадга мувофиқдир.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар умумий нуқтаи назаридан.


**Ўйин технологиялари**

Ўқув жараёнида фаоллаштириш ва интенсивлаштиришга таянадиган ўқитувчи ўйин фаолиятидан қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- 1) ҳаваскор технологиялар сифатида ўқув фанининг мазмуни тушунчалари, бўлимлари, мавзулурни ишлаб чиқиш учун;
- 2) бошқа технологияларда элементлар сифатида;
- 3) дарсни (синфни) ёки унинг бир қисмини ташкил этишда етакчи технология сифатида (киоиш, янги материални тушунтириш, ўрганилган нарсаларни мустаҳкамлаш, машқлар, назорат);
- 4) синфдан ташқари ишларни ташкил этишда (коллектив ижодий фаолият).

Ўйин технологиялари ўқув жараёнининг бир қисмибўлиб, умумий мазмун, сюжет, характер билан бирлаштирилган. Бунда ўйин сюжети таълимнинг асосий мазмуни билан параллел равишда амалга оширилади ва ўқув жараёнини фаоллаштиришга ёрдам беради. Масалан, Фавқулодда вазиятлар, Фуқаро муҳофазаси ва Ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлари ҳамда Ҳаёт фаолият хавфсизлиги асослари ва қоидаларини ўқитишида талабалар ва ўқувчиларни кутқарувчи, ўт ўчирувчи, шифокор, разведкачи, ўқитувчи ва бошқа касб эгалари сифатида ҳаракат қилишлари, биринчи ўринда ушбу касбларга бўлган қизикиши ва мухаббатни, иккинчи ўринда эса ўзларининг хотираларида ҳалоскор бўлиш орзузи умрбод сақланиши мумкин деб ўйлайман.

Мактабда ҳаёт хавфсизлиги асослари бўйича интегратциялашган дарслар турли йўллар билан фанлараро, фанлараро (1-расм) ва тизимлараро интегратция бўйича амалга оширилиши мумкин: икки, уч, ва тўртта мавзуни бирлаштириш, мусобақалар, ўйинлар, ижодкорлик дарслари, оммавий мулокот шаклларига тақлид қиласидиган дарслар (конференсия, манбуот анжумани, мунозаралар, оғзаки журнал ва бошқа) шакллари.



Замонавий педагогик технологияларни амалга ошириш ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсирисиз мумкин эмас, бу “ўқитувчи-талаба” тизимидағи сұхбатдошларни тенг субъектлар сифатида қабул қилишни назарда тутади, яъни бир жараённинг иккита субъекти биргаликда ҳаракат қилиш керак, уларнинг ҳеч бири иккинчисида ҳукмронлик қилмаслиги керак. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам таълим жараённинг субъектлари хисобланади. Аммо ўқитувчига ўқувчиларнинг ўқув ва когнитив фаолиятининг етакчиси роли ҳам берилади, бу уларинг мустақил ишлаши, фаоллиги ва ижодий изланишни рағбатлантиради. Онг ва фаолликнинг уйғунлиги ўқувчиларда мустақил фикр юритиш, хулосалар чиқарши, вазиятни объектив баҳолаш ва олинган билимларни амалиётда қўллашга ёрдам беради. Бу комбинатция муаммоли вазиятларни ҳал қилишда ташаббус ва ижодкорлик манбаи бўлиб хизмат қиласди. Онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойилини муваффақиятли амалга ошириш учун қўйидаги қоидаларга риоя қилиш керак: интерфаол таълим усулидан фаол фойдаланган ҳолда муаян вазиятда вазифани ҳал қилиш мақсадини аниқ тушунишга еришиш; мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиришга кўпроқ эътибор бериши, ўқувчининг ақлий фаолиятини фаоллаштириш, ўрганилаётган материални тушиниш, механик ёдлашни истисно қилиш. Назария ва амалиётни ўзаро боғлиқлик усулини амалга оширишда фанни ўрганишда изчиллик ва изчиллик тамойилига қаътий риоя қилишга, уларни тушинишга асосланган билимлар тизимини шакллантиришга асосланган муносабат ва шу билан бирга синфларнинг узлуксизлигини сақлаб қолиш.

Қайд этиб ўтилган замонавий педагогик технологияларни хаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги тушунча ва билимларни ўргатиш ва ўқитишда қўллаш ёш авлодни хаётга ва жамиятга тайёрлашда ижобий натижалар беради.

### **Хуносас:**

“Замонавий хаёт фаолияти хавфсизлиги дарсини ўз ижодий ишланмаларидан фаол фойдаланиш фонида, уни қуриш нуқтаи назаридан ҳам, ўқув материали, педагогик технология мазмунини танлашда ҳам дарснинг классик тузилишини ўзлаштиришни акс эттириши ва унинг тақдимотини ўргатишидир. Замонавий дарснинг аъянавий дарсдан туб фарқи шундаки, натижалар нафақат фан билими, балки уни фаол когнитив, ахборот технологиялар ёрдамида ўзлаштириш, бу билимларни ностандарт ҳаётда омон қолишда қўллаш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Юқорида қўлланилган замонавий педагогик технологиялари ўқув жараёни самарадорлигини, шахсий фикрлар кучайганини, ўқувчиларнинг онглилик ва тайёргарлик даражасини юқори натижаларга эришилганини, ўқитишда “ўқитувчи-талаба” педагогик технологияси энг самарали усул эканлигини ўтказилган тахлиллар натижаларига кўра намоён бўлди. Бугунги кунда анъянавий ва инновацион педагогик таълим технологияларни ёши гурухи, гурух мутахассислиги, яшаш шароитлари ҳамда жойлашган худудларини ҳам инобатга олиш, замонавий педагогик технологиялар билан олиб борилган дарс машғулотларда юқори натижаларни кўрсатди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Газета.уз/уз/2022/01/28/Мирзиёев. Ш.М.
2. Александрова О.Б., Дрожжин М.А., Моисейкин Д.А. Теория и практика как взаимосвязанные категории в освоении дисциплины «Безопасность жизнедеятельности» Проблемы современного педагогического образования. Сер.: Педагогика и психология. – Сборник научных трудов: - Ялта: РИО ГПА, 2019. – Вып. 65. – Ч.4. – С 13-16.
3. Современные педагогические технологии : учебное пособие для студентов-бакалавров, обучающихся по педагогическим направлениям и специальностям Автор-составитель: О.И. Мезенцева; под. ред. Е.В. Кузнецовой; Куйб. фил. Новосиб. гос. пед. ун-та. – Новосибирск: ООО «Немо Пресс», 2018. – 140 с.
4. Педагогик технология асослари (Халқ-таблицими ходимлари учун ўкув қўлланма). Тузувчилар: Ж.В. Йўлдошев, С.А. Усмонов. www.ziyouz.com kutubxonasi 7-бет
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: “Ўзбекистан миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.
6. Ўзбекистон алока ва ахборотлаштириш агентлиги Тошкент ахборот технологиялари университети. "Иновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар" бўйича Ўқув қўлланма. Тузувчилар: Аҳмадалиев А.М. проф., Қосимов А.Х. 42-46 бетлар
7. Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдошев Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар(таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўкув қўлланма). Тошкент 2003 йил, 3-бет